O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Миллий тиклониш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 14-fevral, chorshanba, 6 (389)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

ДИЙДОРЛАШУВ КЕЧАСИ

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Ҳаётимизнинг тобора мазмунига айлана бошлаган бу пурмаъно ўгит жойларда савобли ишларнинг амалга оширилишига сабаб бўлаётгани кишини қувонтиради. Яқинда Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида хайрли тадбир бўлиб ўтди.

"Мадина" мажмуасида шаҳардаги кам таъминланган, ўзгалар ёрдамига муҳтож кексалар, вояга етмаганлар ҳамда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари — нуронийлар учун катта байрам тадбири ўтказилди. Янгийўл шаҳар ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар билан биргаликда уюштирилган мазкур учрашув, таъбир жоиз бўлса дийдорлашув, меҳр-оқибат кечасига айланди.

Унда беш юз нафардан ортиқ фуқаролар иштирок этишди. Тадбирни очган шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев айрим далилларни ҳам таъкидлаб ўтди. Унинг таъкидича, Янгийўл шаҳрининг умумий аҳолиси 62256 кишини ташкил этади. Шундан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари юз нафардан ошиқ, фахрийлар 350 киши, ногиронлар 250 нафар ҳисобланади.

— Бундай байрам дастурхони атрофига йиғилишимиздан муддао, — деди "Нуроний" жамғармаси раиси Эркин Боқибоев. — Аввало дийдорлашув бўлса, қолаверса кам таъминланган оилаларга ёрдам беришдан иборатдир. Ҳар доим бўлгани каби бу йил ҳам биз, айниқса кексалар, фахрийларимизни нуроний отахон, онахонларимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Учрашувда қатнашган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мунира Қориева, "Маҳалла" жамғармаси раиси Анвар Аҳмедовлар мамлакатимизда Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан хайрли ишларнинг амалга оширилиши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбирда 250 нафар иштирокчига кийим бош, 22 нафар маҳалла тизимида фаолият кўрсатаётганларга устки кийим, 100 нафар қарилиги ва ногиронлиги сабабли бир жойда ётиб қолганларга пул ҳамда совғалар, 4 нафар кам таъминланган оилаларга телевизор топширилди.

Дийдорлашув кечасида таниқли санъат усталари йиғилганларга бир олам қувонч улашишди.

Адибахон ФАЙЗИЕВА.
Азамат АҲМАД олган суратлар.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Зафаробод туман кенгаши томонидан «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиёти пойдевори» номли тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Шаҳрисабз туман кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Бунёдкор ғояларга — мамлакат тараққиётининг гарови» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Ҳамза туман кенгаши томонидан «Миллий мафкура — маънавий қудрат манбаи» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Гулистон шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Илм имкониятлари сари» номли тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Муборак туман кенгаши томонидан «Ватаним фахрим менинг» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Шофиркон туман кенгаши ташаббуси билан «Мустақиллик саодати — аёл тақдирида» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоят кенгашларида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг муҳокамасига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилояти Денов туман кенгаши томонидан «Бурч ва масъулият» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қибрай туман кенгаши ташаббуси билан «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» номли давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Зомин туман кенгаши томонидан «Азалий қадриятларимиз тиклониш йўлида» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро туман кенгаши «Диний бағрикенглик ва миллатлараро муносабатлар» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

«БОБУРНОМА»ДА ҲИРОТ АДАБИЙ МУҲИТИ

Бобур "Бобурнома"да Ҳирот адабий муҳитининг мукаммал қиёфасини кўрсатган. Бобур асарда Ҳусайн Бойқаро саройида санъатнинг турли йўналишида ижод қилган 30 дан ортиқ соҳибқаламлар ҳақида мулоҳаза билдиради. Улар орасида турли савиядаги шоирлар, мусаввирлар, хаттотлар, бастакору мусиқашунослар, созандалар, мусаннифлар, адабиётшунос олимлар бор. Бобур уларнинг ижодларига ўта синчковлик билан муносабатда бўлади. Ютуқ ва камчиликларига баҳо беради. Бу борада холислик тамойилига амал қилади. Уларнинг ижодларига баҳо берар экан, Бобур адабиёт ва санъатни чуқур англовчи, синчков олим сифатида тасаввуримизда пайдо бўлади.

Бобур қисқа ҳажмда Ҳирот адабий муҳитини жонли, ҳаракатда тасвирлаб бера олган. У асарда ижодкорлар иқтидорининг барча қирраларини ёритади, қиёфасига баҳо беради. Шахсий феъл-атворини тасвирлашни ҳам назардан четда қолдирмайди. Асарда Алишер Навоий табиатининг бизга номаълум янги жиҳатлари билан танишамиз. Унинг ноқулай вазиятлардан ҳазил-мутойиба билан чиқиб кета олувчи, хушхулқ, ҳазилкаш киши бўлганини тасаввур этамиз. Бобурнинг тасвирлашича, бир шатранж мажлисида Алишербек оёғини узатганда, Биноийга тегиб кетади. Шунда Навоий мутояба билан шундай дейди: "Ажаб балоест дар Ҳирий агар пой дароз мекуни ба (пушти) шоир мерасад" (Мазмуни: Ажаб бир балодирки, Ҳиротда оёғингни узатсанг, шоирга тегади). Шунда Биноий ҳам бу қувноқ киноянга муносиб жавоб қайтаради: "Агар жамъ мекуни ҳам ба (пушти) шоир мерасад" (Мазмуни: йиғсанг ҳам шоирга тегади).

Бобур "Бобурнома"да Алишер Навоийни кўп марта тилга олади. Ҳаётида у билан учрашмаган бўлса-да, асарларидаги мулоҳазаларидан сезиладики, Навоийни ижод йўлида ўзига устоз деб билади. 1500 йилда Навоийдан бир бор олган мактубини "Бобурнома"да фахр билан ёдга олади. Шу мактубга қайтарилган жавоб хатда устоз назарига туркийда ёзган бир шеърини юборади: "Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат юбориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб юбориб эдим".

Навоийнинг асарлари Бобур учун ибрат мактаби бўлган. Улардаги донолик ва ҳикмат, соҳир туйғулар ва гўзал ифода унга ҳамиша илҳом берган. Бобур Навоийнинг барча асарлари билан таниш эди. "Бобурнома"да уларнинг деярли барчаси ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиради. Маснавий-достонларига, 4 девондан иборат "Ҳазойин ул-маоний"сига юқори баҳо беради. "Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас", — дея

(Давоми 2-бетда).

ВАТАН

Ерда ҳам тил бордир,
Тунлар қовушиб,
Дилга айланадир яхлит жон ва тан.
Элликқалъалардан келса товушинг,
Товушларинг келса Тупроққалъадан.

Тупроққалъалардан келар товушинг,
Товушларинг келар Элликқалъадан.
Мен ҳам бир қўрғондай кетгум қоришиб
Улуғ қўрғонлардан яралган Ватан.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Фракция йиғилиши

ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия фракцияси аъзолари, Марказий кенгаш девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Фракция йиғилишида Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси билан киритилган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш), "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги (иккинчи ўқиш), "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги (иккинчи ўқиш), "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги (иккинчи ўқиш), "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги (биринчи ўқиш), "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги (биринчи ўқиш) Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари партия ва фракция фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Партия ҳаёти

ЕТАКЧИЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда 2006 йилнинг ноябридан сиёсий партиялар «Ёшлар қанотлари» ва «Камолот» ЁИҲни фаоллаштириш лойиҳасини амалга оширмоқда. Ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи бўйича ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида семинар-тренинглар ўтказилди. Ушбу тадбирларда сиёсий партиялар ва "Камолот" ЁИҲнинг 520 дан ортиқ вакиллари иштирок этишди. Машғулотларни ягона дастур асосида тажрибали экспертлар ва юқори малакали тренерлар олиб боришди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи — "Қишки мактаб" 4-15 февраль кунлари пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" меҳмонхонасида бўлиб ўтади. Ушбу тадбирда 120 дан ортиқ вакиллар иштирок этишади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш Дастури (БМТРД), ЮНИСЕФ, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт жамғармалари ушбу лойиҳани амалга оширишга тайёрлигини билдирди. Машғулотларни юқори тажрибага эга маҳаллий ва хорижий экспертлар олиб боришяпти. Иштирокчилар мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, Германиядаги ёшлар ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг ёшлар орасидаги олиб бораётган фаолият тажрибаси билан танишадилар. Жумладан, "Қишки мактаб" иштирокчилари "Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсати", "Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимида сиёсий партияларнинг ўрни ва мавқеи", "Сиёсий технологиялар", "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати устувор йўналишлари" каби маърузаларни тинглайдилар.

Шунингдек, тадбирда сиёсий партиялар "Ёшлар қанотлари" ва "Камолот" ЁИҲнинг тақдимотлари режалаштирилган. "Қишки мактаб" дастури доирасида иштирокчиларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида учрашувлар ўтказиши режалаштирилган.

Акмал РЎЗИТОЕВ.

Диққат, танлов!

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши ва «Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти «Аёл билан мунаввар олам» мавзуидаги ижодий ишлар кўрик-танловини эълон қилади.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш оиладан, онадан бошланади. Аёл — она, баркамол авлод тарбиячиси, соғлом авлод бунёдкори, миллий урф-одатларни, қадриятларимизни тарғиб этувчи азиз инсон. Аёл — она, раҳбар, олима, мураббий, тадбиркор, фермер, тарбиячи. Ватан иқтисодиёти, салоҳияти ва маънавияти унинг тафаккурида, амалий ишларида намоён бўлади. Аёл — гўзаллик элчиси. Унинг сўзида нур, қадамида файз бор.

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ўтказилаётган мазкур танловда ёш қаламкашлар, журналистлар, барча ижодкорлар хотин-қизларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи мақолалари билан иштирок этишлари мумкин. Танловга хотин-қизларимизнинг баркамол авлодни камол топтириш ҳамда ёшларни Ватанга меҳр-муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдаги хизматлари ифодасини ўзида акс эттирган мақолалар жўнатилиши лозим.

Ижодий ишлар 2007 йил 3 мартгача қабул қилинади ва уларнинг муносиблари «Миллий тикланиш» газетасида саҳифаларида ёритилади.

Ижодий ишлар танловининг 3 нафар ғолиби қимматбаҳо эслдалик совғалари билан тақдирланади.

Мурожат учун телефонлар:
ЎзМТДП Марказий кенгаши: 144-81-28, 144-83-05.
«Миллий тикланиш» газетаси: 136-58-73, 133-67-51.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ДАСТУР ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАЙДИ

Мустақиллигимиз шарофати билан ўтаётган ҳар бир йилга муносиб ном бериш, унинг мамлакат тараққиётидаги ўрни, табиатидан келиб чиқиб ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги бир-бирини тўлдирадиган Давлат дастурлари қабул қилиш ва уларни амалга ошириш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг ёрқин кўринишидир.

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унда амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш кўзда тутилган. Жумладан, «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда ижтимоий ҳимоя тизимининг янада такомиллашуви билан бир қаторда, ушбу жараёнда давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотларининг иштироки, ўрнини белгилаб бериш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. «Болалар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги, «Тиббий суғурта тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари ҳам меҳрга муҳтож, чин етимлар, ота-она қаровисиз қолган болалар, ногирон болалар ҳуқуқларини кафолатловчи меъёрларни, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда унинг ҳамма туридан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтирувчи ҳуқуқий нормаларни белгилаш орқали ушбу соҳада республикамизда амалга ошириб келинаётган мақсадли ишларни янада кенгайтириш, уларнинг кўлами ва таъсирчанлигини ошириш имкониятини белгилаб беради.

«Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳуқуқий нормалар эса республика аҳолиси, жумладан буқоқ ва камқонлик хасталигидан азият чекаётган болалар ва ҳомиладор аёллар ўртасида ушбу касалликларнинг оғир асоратларини бартараф қилиш, уларни соғломлаштириш йўлидаги ҳуқуқий амалий имконият бўлиб, қонуннинг мақсади йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, ушбу соҳадаги давлат сиёсати, давлат бошқарувини амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа давлат ҳокимияти органларининг ушбу соҳадаги ваколатларини белгилайди.

Шунингдек, амалдаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомга ўзгартириш киритилиши, 16 ёшгача бўлган болаларга ногиронлик тайинлаш тартиботида тасдиқланадиган қўшма буйруққа асосан болаларда ногиронлик ҳолатларини аниқлаш ва тасдиқлаш механизмини содлалаштирилиши ушбу йўлдаги яна бир муҳим қадамдир.

Давлат дастурида ногиронларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг фаол ва тўлақонли ҳаётий имкониятларини тиклаш, уларни ўқитиш, қайта ўқитиш, ишга жойлаштириш ишларини ташкил этишга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Масалан, ногиронлиги туфайли мактабга қатнаш имкониятидан маҳрум бўлган, уйда қолган болаларни (ҳар бир туманда 5-9-синфда таҳсил кўрувчи 5 тадан ногирон бола) компьютер билан таъминлаш ва компьютер мультимедия программалари асосида ўқитишни ташкил қилиш, зарур ўқув мебеллари, ўқув дарсликлари билан таъминлашни (11 минг киши) амалга ошириш белгиланган.

Давлат дастурида «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» мақсадли вазифасини ҳаётга аниқ татбиқ этиш масалаларининг ҳам кенг кўламда қамраб олиниши — тарбиялануучиларга қулай шарт-шароитлар яратиш — уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш ижтимоий ҳимоя тизимидаги муҳим амалий имкониятдир.

Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастурини амалга оширишда маҳаллаларнинг роли қандай бўлади? Халқимизда «Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг» деган мақол бор. Шунингдек, битта болага етти маҳалла ота-

(Давоми 2-бетда).

Тақдимот

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ КУТГАН АСАР

Ёзувчи Иброҳим Ғафуровнинг «Ҳаё — халоскор» китобидаги ҳар бир мансура, эссе ва мақолалар қўнгилга яқин. Муаллифнинг ҳаётий кузатувлари, юртимиз табиати, одамларнинг кайфиятини шоирона дилбарлик-ла — англаши билан асар алоҳида аҳамият касб этади.

Миллий матбуот марказида ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан мазкур асарнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Анжуманда кўп бора айтилганидек, тақдимот баҳонасида адабиёт, сўз ва унга ҳурмат, янги чиқаётган китоблар ва уларнинг мутолааси ҳақида ҳам сўз борди. Йиғилишда партия фаоллари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, олимнинг шогирдлари, талабалар иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг сўз Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовга берилди.

— Иброҳимжон билан бир мактабда ўқиганмиз, бир олийгоҳда таҳсил олганмиз, — деди у. — Унинг ўзига хос услуби, гавҳардек қалами борлигини талабалик йилларидаёқ сезгандик. У олийгоҳни тамомлаб нашриётга ишга ўтди. Ўшанда янги шеърий тўпламимни тайёрлаётгандим. Анча талабчанлик қилганида бироз ранжиганман ҳам. Йиллар ўтиб у ўша пайтларда жуда тўғри иш қилганлигини тушундим. Ҳар бир шоир, ёзувчининг шаклланишида танқидга адолат билан ёндошадиган адабиётшуносларнинг ўрни катта. Бу борада Иброҳим Ғафуров бошқаларга ўхшамаган, ўзига хос йўлдан борди. Ўрни келганда ҳар биримизнинг асаримизга тўғри баҳо берди, ўринли танқид қилди. Танқидчиликда унинг маҳоратига қойил қолиш керак.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ҳам олимнинг танқидчиликда, таржимонликда ўзига хос йўлдан боргани, янги нашрдан чиққан китоби ҳақида гапирди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, адабиётшунос олимлар Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Қозоқбой Йўлдошев ҳамда олима Муҳаббат Шарофиддинова сўз олиб, адибнинг ижодий йўли, шу кунгача севиб ўқилаётган китоблари ва «Ҳаё — халоскор»дан олган таассуротлари ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

— Китобда адабиётшунос олим, ёзувчи, таржимон Иброҳим Ғафуровнинг мансуралари, бадиалар, адабий-танқидий эсселари, публицистик асарлари жамланган. Асарнинг учта устуни бор, — деди адабиётшунос олим Умарали Норматов. — Улар Навоийга унсият бўлими, Достоевский билан тунги суҳбат эссеси, Фридрих Нитшега бағишланган адабий ўйлар. Бундай ёзишни фақат дунёқараши кенг моҳир таржимон, адабий танқидчиликда ўзига хос мактаб яратган адабиётшунос олимгина уддалайди.

Йиғилишда, шунингдек, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Жаннатой Тошматова, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқов сўз олиб, бу каби адабий анжуманларнинг аҳамияти ҳақида гапиришди.

Шундан сўнг, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Х.Дўстмуҳамедов партиянинг рамзий аъзолик билетларини зиёлилар партиясининг ташкил топиши ва оёққа туришида катта меҳнати сингган устозлар — академик Азиз Қаюмов, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовга топширди.

Ўз мухбиримиз.

«БОБУРНОМА»ДА ҲИРОТ АДАБИЙ МУҲИТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

биргина жумлада уларнинг адабий қимматини баҳолайди. Ҳатто, Афғонистонда устози девонидан кўнгил дардларига монанд туйғулар ифодаланган шоҳ ғазаллар ва байтлардан саралаб "Сайланма" девон кўчирганини маълум қилади: "Алишербекнинг тўрт девонидан буҳур, авзон бир байти била ғазаллар ва абётким, интихоб қилиладур эди, итмомиға етти".

Навоий ижодига баҳо берар экан, Бобур ўз билим қамровининг кенглиги ва теранлигини, бадиий дидининг юксаклиги ва адабиётшунос олим сифатида тафаккур миқёсининг чексизлигини намоён эта олади. У Навоийдек даҳо шоир меросининг ҳам айрим номукаммал туюлган жиҳатларига эътибор қаратади. "Мезон ул-авзон"да айрим вазнлар талқинида хатоликлар кўради. "Мактубот"ида Жомийга тақлид сезилганидан қониқмайди. Форсий шеърларида туркийда айтганчалик тароват ва янгилик кўришга иштиёқ сезади.

Бобур Ҳирот адабий муҳити тасвири жараёнида юқорида эътироф этганимиздек, бадиий ижодни нозик ва чуқур тушунувчи олим сифатида намоён бўлади. У қисқа ҳажмда бадиий матнларни таҳлил этиб бера олади. Ҳар бир асарнинг ўрни ва мавқеини белгилай олади. Биноий, Мир Ҳусайн Муаммоий, Шоҳ Ҳусайин Камолий, Оҳий каби ўнлаб шоирларнинг асарларини объектив баҳолайди.

Адабий муҳитда маснавийгўйлик мақоми ҳақида маълумот беради. Абдулло Ҳотифийнинг "Хамса" муқобаласида достонлар айтганидан хабардор бўламиз. "Ҳафт пайкар", "Искандарнома", "Лайли ва Мажнун" достонларини яратганини айтади. Уларнинг бадиий қимматига эътибор беради. "Бу маснавийлардин "Лайли ва Мажнун" машҳурроқтур. Агарчи латофати шуҳратича йўқтур", — дея баҳо беради. Аммо шунга қарамай, бу маълумот адабиётшунослик илмида катта қимматга эга. Чунки унда Ҳирот адабий муҳитида "Хамса" яратишга уринишлар бўлганини англаймиз. "Темурнома"достонининг янгидан киритилиши кўзга ташланади. Бу достон, Бобур нуқтаи назарича муваффақият қозонмаган бўлсада, хамсачилик анъанасини янгилашга уриниш намунаси сифатида эътиборга моликдир.

Ҳилолий ижодига баҳо берар экан, "Шоҳ ва дарвиш" достонига алоҳида тўхталади. Унда бадиий жиҳатдан диққатга сазовор ўринлар борлигини эътироф этган ҳолда, "вале бу маснавийнинг мазмун ва устухонбандлиғи бисёр ковак ва харобтур", — дея таассуф билдиради. Бу ерда Бобурнинг достончилик талқинида мазмун ва композицияга эътибор қаратиб, унинг муҳимлигини таъкидлаганининг гувоҳи бўламиз.

Бобур ижодкорларга баҳо берар экан, холисликни унутмайди. Жумладан, Ҳилолийнинг маснавийларини танқид қилсада, лирик шеърларини "Ғазаллари ҳамвор ва рангин ва камҳадшадур", — дея тавсифлайди. Қуввайи ҳофизасига ҳавас билан қарайди: "Бисёр қавий ҳофизаси бор эмиш, ўттуз-қирқ минг байт ёдида бор эмиш. Дерларким, "Хамсатайн-"нинг аксар абёти ёдида бор". Аруз, қофия ва шеър илмининг билимдони эканлигини тан олади.

Ҳирот адабий муҳитидаги достончилик савиясини англашда Бобурнинг Муҳаммад Солиҳ достонига муносабати ҳам муҳимдир. Муҳаммад Солиҳ ашаддий ғаними саройида яшаб ижод қилган бўлса-да, Бобур унинг асарларини холис баҳолашга уринади. Ҳикмат ва донолик билан яратилган ғазалларининг бадиийлиги бир хил даражада бўлмаса-да, маъно хусусиятлари билан диққатга сазоворлигини эътироф этади: "чошнилиқ ғазаллари бор. Агарчи ҳамворлиғи чошнисича йўқтур, туркий шеъри ҳам бор, ёмон айтмайдур". Бу борадаги Бобурнинг фикрлари Навоий мулоҳазаларига мутаносиб келади: "Табъида хейли диққат бирла чошни бор". Аммо Бобур "Шайбонийнома" достони хусусида ижобий фикр билдирмайди: "Шайбонийхон отиға бир туркий маснавий битибтур. Рамали мусаддаси махбун вазнидаким, "Субҳа" вазни бўлғай, бисёр суст ва фурудтур, ани ўқуғон киши Муҳаммад Солиҳнинг шеъридан беэътиқод бўлур". Бундай баҳо беришининг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, достон Шайбонийхон ҳузурида эътибор қозониш мақсади билан яратилган. Асар яратишда мақсад, таъма биринчи ўринда турган. Иккинчидан, достонда ҳис-туйғулар талқини ва руҳий туғёнлар таҳлили етакчилик қилмайди. Учинчидан, мазмун тақозоси билан бадиийликка путур етган ўринлар ҳам йўқ эмас. Кўринадики, Бобурнинг достончилик борасидаги мулоҳазаларини айнан қабул қилмасак-да, аммо улар асоссиз эмаслигини ҳам тан олишимиз керак.

Ҳирот адабий муҳитида илм-фан, адабиёт ва санъатнинг турли йўналишлари тараққий этган. Бадиий ижод билан бир қаторда адабиётшунослик илми ҳам ривож топган. Бу йўналишда қатор асарлар яратилган. Бобур "Бобурнома"да, айниқса, Мир Атоулло Машҳадий (Ҳусайний — И.А.), Сайфий Бухорий каби ижодкорларнинг рисолаларига эътибор қаратади. Уларнинг олим сифатида кенг қамровли ва чуқур билим соҳибилигини эътироф этади. Бадиият илмининг моҳир тадқиқотчиси Атоулло Ҳусайний асарларининг қимматини белгилайди. Унинг шеърий санъатлар талқинига бағишланган "Бадойиъ ус-санойиъ" рисоласини ҳурмат билан тилга олади: "Яна санойи шеърда "Бадойиъ ус-санойиъ" отлиқ рисола битибтур, хейли яхши битибтур".

Ундан ташқари, қофия илмига бағишланган рисоласига ҳам яхши баҳо беради. Шахсларга баҳо берганда, уларни ҳар томонлама кузатиш "Бобурнома" услубига хос хусусият. Шундан келиб чиқиб, "Қофия" рисоласи ҳақида сўзлаётиб, Ҳусайнийнинг шахсиятига, феъл-атворига ҳам эътибор қаратади. Камтаринликни маданият белгиси деб билган Бобур, рисола муаллифи фикрини далиллаш учун мисолларни фақат ўз шеърларидан келтириш ва уни таъкидлаб кўрсатиши Бобурга нокамтарлик бўлиб туюлади: "Қофияда бир форси рисола битибтур, тавре битибтур, айби будурким, амсила учун тамом ўзининг абётини келтуруб-тур. Яна ҳар байтидин бурун "чун онки дар ин байти банда" лафзини лозим тутубтур".

Асарда Сайфий Бухорий қиёфаси ҳам муфассал ёритилади. Бобур унинг донишмандлиги ва нотиқлигини тан олади. Икки девони ҳақида сўзлаб, улардан бири ҳунармандлар учун айтилганини эслатади. Бу далил Ҳирот адабий муҳитида махсус мавзули девонлар ҳам тузилганини кўрсатади. Унинг масал жанридаги асарлари машҳурлигини, аммо маснавий яратмаганини маълум қилади. Ва унинг сабабларини ҳам кўрсатади. Бобур Сайфийнинг бадиий ижоддаги ютуқларини сарҳисоб этиш билан бирга, "Аруз рисоласи"нинг маромига етмаган жиҳатлари хусусида ҳам ўз мулоҳазаларини билдиради.

Ҳирот адабий муҳити тасвирида хаттот, мусаввир, мусиқашунос, мусанниф каби санъатнинг турли йўналишларида ижод этган иқтидор соҳиблари ҳам тилга олинади. Бобур улар ҳақида махсус билимга эга киши каби фикрлайди. Ютуқлари ва камчиликларини кўрсатади. Мусаввир Беҳзод, Шоҳ Музаффар тасвирларини нозик баҳолайди. Шоҳ Музаффарнинг мусаннифликдаги маҳоратига, дид ва қобилиятига ҳам тан беради.

Худди шунингдек, айрим ижодкорлар санъатнинг, ҳунарнинг бир неча турларини баробар маҳорат билан эгаллаганликлари ҳақида ҳавас билан сўзлайди.

Қулмуҳаммад Удий, Шайх Ноий, Ҳусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий каби мусиқашунослар санъаткорлигини, уларнинг ҳаёт саҳифаларини ёритувчи қизиқарли ҳикояларни сўзлайди. Улардан ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамиятга молик, мусиқашунослик такомили борасида янги маълумотларга эга бўламиз.

Сарҳисоб этилган қисқача далиллардан кўринадики, "Бобурнома"да Ҳирот адабий муҳитининг яхлит, жонли кўриниши, тасвири ўз ифодасини топган. Буни чуқур талқин этиш адабиётимизнинг ривожланган бир даври билан боғлиқ кўп масалаларни ойдинлаштириш имконини беради.

Иқболой АДИЗОВА,
филология фанлари номзоди,
ЎзМУ доценти.

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига



КЎҲНА ШАҲАР ТАРИХИ ЙИЛНОМАСИДАН

Самарқанд шаҳри барпо бўлганидан тортиб, то бугунги кунгача мураккаб тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Шаҳарнинг турли номлар билан аталиб келинганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

«Бизнингча, Самарқанд тарихини бешта йирик даврга бўлиш мақсадга мувофиқдир, — деб ёзади атоқли олим, академик Иброҳим Мўминов. — Биринчи давр, шаҳар эндигина пайдо бўла бошлаган уруғчилик-қабилачилик тузуми ва қулдорлик ижтимоий муносабатларнинг шакллана бошлашига тўғри келиб, эрамиздан олдинги VIII ва VII асрларни ўз ичига олади. Самарқанд тарихининг эрамиздан олдинги VI-IV асрлардан XIII асргача бўлган иккинчи даври қулдорлик жамиятига, феодал муносабатларнинг пайдо бўлиши ва тараққий топишига тўғри келади.

XIV аср охирларидан бошланувчи учинчи даврда Самарқанд улкан Темурийлар давлатининг пойтахти бўлди. Шаҳар тарихининг тўртинчи даври Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишидан бошланади... Шаҳарнинг бешинчи даври инқилобдан кейин бошланди».

* * *

Ўзбекистон Фанлар академияси олимлари археологик экспедицияси шаҳарнинг ҳозирги марказида қазиш ишлари олиб бориб, Самарқанднинг энг қадимги тарихига оид жуда кўп ашёлар топдилар. Бу материалларни ўрганиш Самарқанд юқори палеолит даврига мансублигини ҳамда ҳозирги Самарқанд ҳудудида ёзув пайдо бўлмасдан анча илгариёқ чақмоқтошдан турли қурол-яроғлар ясаган қадимги одамлар яшаганлигини кўрсатди.

* * *

1965-68 йиллар мобайнида ўтказилган археологик қазишлар кўҳна Афросиёбнинг қуйи маданий қатламларини очиш имконини берди. Бу ердан топилган нарсалар шаҳарда эрамиздан олдинги VII асрдаёқ кўп тармоқли ҳунармандчилик ривож топганлигини кўрсатди.

* * *

Юнон тарихчиларининг ёзишларича, Самарқанд Искандар Зулқарнайн томонидан эрамиздан олдинги 329 йилда босиб олинганида мустаҳкам истеҳкомларга эга обод шаҳар эди.

* * *

Эрамизнинг V-VI асрларида Самарқанднинг шаҳар сифатидаги мавқеи мустаҳкамланди. Бу даврда Ўрта Осиё халқларининг хўжалик ва маданий ҳаётида қайта жонланиш юз берди.

* * *

1965-йилнинг баҳорида Афросиёбдаги катта бир уйнинг харобасида санъат дурдоналари топилди. VII асрга доир бу хароба деворларига туширилган тенги йўқ гўзал расмларни кўриб, ўша замон рассомларининг юксак санъатига тан беради киши!

* * *

Араб халифалиги зулмига қарши кураш натижасида Сомонийлар давлати таркиб топди. Самарқанд маълум вақтгача шу давлатнинг пойтахти бўлди.

* * *

XIII ва XIV асрларга келиб мўғуллар босқинидан кейин Самарқанд яна тиклана бошлади. Амир Темур даврида Самарқандда катта қурилиш ишлари олиб борилди. Улуғ соҳибқирон Самарқандни дунёдаги энг кўркам шаҳарга айлантиришга катта ҳисса қўшди. Муҳташам обидалар йиғилган жой — «Сайқали рўйи замин» («Ер юзининг сайқали»), деб баҳоланди.

* * *

XVIII асрда феодалларнинг ўзаро келишмовчиликлари Мовароуннаҳрни янада парчалаб юборди. Бунинг устига Эрон шоҳи Ўрта Осиёга ҳужум қилиб, Самарқандни яна вайрон қилди. XIX аср ўрталарида шаҳарга теварак-атрофдан одамлар келиб, уни обод қила бошлади.

* * *

Октябрь инқилобидан сўнг Самарқанд Ўрта Осиёдаги биринчи таянч пунктлардан, Туркистоннинг вилоят марказларидан бири, 1925-30 йилларда Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти бўлди.

* * *

Бугун Мустақиллик даврида Самарқанд республикамиз шаҳарлари орасида муҳим мавқени эгаллаб турибди. Рўйи замин сайқали ўзининг 2750 йиллик тўйини гуллаб-яшнаган гўзал бир шаҳар сифатида нишонламоқда.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

ДАСТУР ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

оналик қилади, деган ибора мавжуд. Табиийки, аҳолининг ночор қатламлари, ногиронлар, ёлғиз қариялар маҳаллалар орқали аниқланади.

Президентимиз таъбири билан айтганда: «Қонун асосида ўзини ўзи бошқариш органлари мақомини олган маҳалла оқсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари ва фаоллари маҳаллаларда яшовчи ҳар бир кишининг моддий ва мулкий аҳволини, ҳар бир оиланинг даромад манбаларини ипидан игнасигача биладилар». Чиндан ҳам уларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланган маърузаларидаги ушбу сўзларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Энг муҳими, ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган оилалар ва одамларнинг барчасига бир кўз билан қарамасдан, балки ҳар бир тоифанинг ўзига хос қийинчилиги ва дарди, ғаму ташвишларини яқиндан ўрганиб, бу эҳтиёжларни қондиришга қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз керак».

Давлат дастурида 520 минг 1-синф ўқувчисини ўқув қуроллари мажмуаси билан бепул таъминлаш, кам таъминланган оилаларнинг (724.000) фарзандини қишки кийим-бош билан бепул таъминлаш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқиётган етим болалар ва ота-она қаровисиз қолган болаларни пойабзал, овқат ва стипендия билан бепул таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, айниқса қиз болаларни спорт анжомлари ва кийим-бошлари билан бепул таъминлаш кўзда тутилган. Шунингдек, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида умумхалқ ҳашарлари ўтказиш ва ҳар бир маҳалладаги ёлғиз кексалар, нафақахўрлар, ногиронлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ёз мавсумида 200 минг болани болалар соғломлаштириш лагерларида дам олишини ташкил этиш (11 мингтасини бепул), жумладан, «Меҳрибонлик уйлари»даги 2 мингта етим болани), шунингдек, нафақахўрлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларини, ёлғиз кексаларни сиҳатгоҳларда даволанишини ташкил қилиш чора-тадбирлари ҳам белгиланган.

Давлат дастурида жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва «Соғлом она — соғлом фарзанд» ҳаракатини рағбатлантириш, ёш авлодга алоҳида эътибор ва бошқа мақсадли вазифалар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизмини шакллантириш йўли муваффақият билан давом эттирилмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз, — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу — тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир. Бу жаҳон цивилизациясига қўшилиш, чинакам сиёсий ва иқтисодий истиқлолга эришиш йўлидир».

Ва табиийки, бу йўлнинг бошида жамият гултожи бўлган инсон ва унинг манфаатлари ётади.

Шарифа САЛИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Мулоҳаза

СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР

Бугун мустақилликнинг ўн бешинчи йилида яшамоқдамиз. Ўтган вақт мобайнида миллий ўзликни англаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Бир асрдан зиёд ҳукмронлик қилган қарамликдан сўнг аждодларимиз яратиб кетган улкан, бебаҳо маънавий-маданий ҳамда тарихий меросни тиклаш учун бор имкониятлар ишга солинди.

Уларни англашга янгича ёндашиш жараёни шакланди. Ислом маданияти ва ислом динини маданий бойлигимизнинг бир қисми сифатида англаш ва асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилди. Эски масжидлар таъмирланиб, янгилари қад ростлади. Диний адабиётлар нашр этилди. Самарқанд, Бухоро, Хивадаги осори-атиқалар давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан зиёратгоҳга айлантирилди. Собиқ тузумда номлари қораланган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби алломаларнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаларига холисона баҳо берилди. Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги қатор таржима ва тафсирлари нашр этилди. Бевосита Юртбошимиз лойиҳаси ва ташаббуси билан ўтмишдаги алломаларимиз ёдгорлик мажмуаларининг қайта таъмирланиши, Ислом университетининг ташкил этилиши муқаддас динимиз, азалий қадриятларимиз, буюк аждодларнинг руҳи покларига чексиз меҳр-муҳаббатимиз, эътиқодимизнинг ифодаси бўлди. Бир сўз билан айтганда, тилимиз, динимиз, урф-одатларимизу маънавий қадриятларимиз юртимиз фаровонлиги, жамиятимиз тараққиёти ва ёш авлод тарбиясига хизмат қила бошлади.

Кейинги йилларда бозорлар, ер ости йўлкалари, ошхоналар, хиёбонлар ва майдонлар, ҳаттоки автобусу трамвайларда ҳам баланд овозда Қуръони карим оятлари, ҳадислардан намуналар ёки диний суҳбатлар ёзилган кассеталарни эшиттириш одат тусига кириб қолди. Аслида бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Билмаганингни биласан, эшитмаганингни эшитасан. Лекин баъзи ҳолларда сўз меъёри ва ўлчовининг бузилиши одамлар онгида нотўғри тушунчалар пайдо қилмоқда. Чунончи яқинда пойтахтимизнинг Янгиобод бозорида қайсидир бир қорининг боқий дунё ҳақидаги ваъзи янгради. Эмишки, у дунёда Сирот кўпригидан ўтаётган эркакка "умид билан бир ёстиққа бош қўйган аёли ҳам, ўз пушти камаридан бўлган боласи ҳам дўст бўлмагай". Тўғри, диний китобларда киши ҳаётлигида қилган ишларига қараб у дунёда ажр берилиши ҳақида ёзилган. Яъни савоб ишларни бажарган, пок ва ҳалол яшаганлар жаннати, аксинчалари эса дўзахий бўладилар. Бири иккинчисига ёрдам беролмайди. Демакки, қўйни ҳам, эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар. Шу ўринда ваъзхоннинг "дўст бўлмагай" эмас, балки "ёрдамлаша олмайдилар" дейиши мақсадга мувофиқ бўларди. Ёки яна бир мисол. Саксон ёшга кириб вафот этган бир отахоннинг маъракасида обрўли қори эр ва хотиннинг бурчи ҳамда вазифалари хусусида амри маъруф айтди. Унинг таъкидлашича, эрлар нуфузи жиҳатидан хотинларидан бир даража баландроқ турадилар. Бу гапга бир қадар қўшилиш мумкиндир. Аммо қорининг "эри узоқ сафарга кетган аёлга отанг ўлди деб уч марта хабар келса ҳам, у эри келмагунича уйидан чиқиши мумкин эмас" деганини қандай тушунмоқ керак? Ахир, ота-она энг азиз ва мўътабар зот бўлиб, уларнинг ўрнини ҳеч ким тўлдиролмайди-ку. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом "Жаннат оналар оёғи остидадир", дея марҳамат қилган бўлсалар, миллатимизнинг улуғ шоири Алишер Навоий "Жисмни қил садқа ано қошиға" дея тарбият берсалару баъзи дин пешволари бунинг тескарисини айтиб турса, эшитганлар руҳиятида ихтилоф туғилмайдими? Шунингдек, "шахмат ўйнаган эркаклар шайтоннинг ошносидир" қабилидаги гапни ҳам сира ҳазм қилиб бўлмайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларни тинглаган одам беихтиёр ўйланиб қолади: кассетага ёзилиб, жамоатчилик жойларида қўйиладиган маърузалар Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси назоратидан ўтказилса юқоридагидек чалкашликларга ўрин қолмасди.

Бир одам туш таъбирини айтиб берувчи донишмандга дебди:

— Тушимда бурнимдан қон кетаётган эмиш.

— Тез кунда қўлингдан давлатинг кетаркан.

Навбатдаги одам мурожаат қилибди:

— Тушимда бурнимдан қон келаётган эмиш.

— Сенга ғойибдан давлат келмоқда.

Бу гапларни эшитиб турган шогирд ҳайрон бўлиб, устозидан нима учун битта тушга икки хил таъбир айтганини сўрабди. Шунда устози сўзга диққат қилмадингми, бири "кетаётган эмиш" деса, иккинчиси "келаётган эмиш" деди, сўздан сўзнинг фарқи бор, бошингга не келса тилингдан келур деган ҳикматни эшитмаганмисан дебди.

Зеро, ушбу ҳикоят барчамизга ибрат ва намуна бўлмоғи даркор.

Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА.

Элга таниқли одамлар

ДУОЛАР БИЗГА БАХТ БЕРДИ

"Кўнгил нозик қасрдир. Унинг эшигини очиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун унинг қулфини топмоқ шарт. Қулфни очишга эса сеҳрли калит зарур. Ўша сеҳрли калитга эга бўлиш учун ижодкор ҳамиша изланади. Бир кун келиб бу натижа бергач, қасрнинг сирли эшиги очилади. Кўнгилдаги энг нозик сирлар эса вақти келиб кимгадир баён этилади ва ўшанда инсон ўзини армонлардан холи сезади..."

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий ижодхонасида ёзиб тугатилмаган асарлари билан танишганимда кундалик ён дафтарчага кўзим тушган, унда шу фикрлар битилган эди. Бу фикрлар мени кўп ўйлантирди. Нозик қаср ҳисобланмиш кўнгилнинг сеҳрли калитини кўп изладим. Ва ниҳоят бу жумбоқнинг ечимини топгандек бўлдим. Зеро, ҳар бир инсоннинг кўнгил сирлари ўзигагина аён. Ижодкорларники эса инчунун. Халқимиз ардоқлаган, элимиз суйган ижодкорлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Жамшид ва Гавҳар Зокировларнинг юрак туйғулари, қалб кечинмаларидан сизларни воқиф қилиш ниятида Ўзбек миллий академик драма театрига ташриф буюрдик. Биз Гавҳар Зокирова билан суҳбатлашдик.

— Бундан бир неча йил муқаддам Ш. Бошбековнинг "Тақдир эшиги" спектаклида Жамшид ака билан роль ўйнагансизлар. Бу тақдирларингиз бирлашишига сабаб бўлганмиди?

— Очиғи, айнан ўша спектаклдан кейин биз учун тақдир эшиклари очилди. 13 йилдан бери ўша спектаклда биргамиз. Худди ҳаётдагидек.

— Ҳақиқатдан ҳаётда ҳам, ишда ҳам доимо биргасизлар. Бу имиджми?

— Бир воқеа: С. Имомовнинг "Эргинамнинг орзуси" спектакли билан Нукусга гастролга боргандик. Жамшид ака ўша ердан Бухорога учишларига тўғри келди. Мен бир ўзим уйга қайтиш учун аэропортга чиқдим. Қизиғи шундаки, чипта олишга роса қийналдим. Аэропорт ходимлари "Жамшид акасиз сизни ҳеч қаергa қўйиб юбормаймиз", дея роса ҳазил қилишди. Бу ҳолат ўзимга ҳам ғалати туюлди ўшанда. Чунки ёлғиз бўлсам ярмимни йўқотган инсондек ҳис қиларканман ўзимни.

— Рафиқа, актёр, она ва севимли бувижон бўлиш қийин эмасми?

— Йўқ. Ёшлигимизда қийналардик. Сабаби, фарзандлар кичкина. Икки бола билан қирқ кунлаб гастролда юрардик. Болаларнинг кийими, идишларини судраб юриш керак бўларди. Энди эса Жамшид ака билан ҳамма ерда биргамиз, бир-биримизни асраб-авайлаймиз.

— Шу даражага етишишингизга ким сабабчи?

— Аввало, ота-онамизнинг дуолари. Асосий сабабчилари эса устозларимиз. Университетда "Актёрлик маҳорати"дан менга Турсунбой Исроилов, Жамшид акага Христофор Кажерников дарс беришган. Улардан умримизнинг охиригача миннатдормиз.

— Театрдаги устозларингиз ҳақида ҳам доимо илиқ фикрлар билдирасиз. Бунга сабаб нима?

— Ҳа, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева, Зайнаб Садриева, Замира Ҳидоятова, Ҳамидулла Наримонов, Саъдихон Табибуллаев, Ғани Аъзамов каби актёрлар ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам ҳақиқий устозларимиз эди. Улар олдида умримизнинг охиригача таъзимдамиз. Шулар туфайли театр бизнинг иккинчи уйимизга айланган. Тўғриғи, аслида бу даргоҳ биринчи уйимиз...

— Саҳнага олиб чиқилаётган спектакллар ҳақида фикрингиз қандай?

— Театримизда комедиялар билан бир қаторда жиддий спектакллар ҳам қўйилади. Масалан, "Адибнинг умри" — Ойбек тўғрисида, "Алишер Навоий", "Ўтган замон ҳангомалари", "Бир қадам йўл", "Макр ва муҳаббат". Бу спектакллар инсонни ҳаёт ҳақида чуқур фикрлашга ундайди. Бундай асарлар томошабин хаёлида узоқ сақланади. Кошки эди барча спектакларимиз ҳам шундай бўлса...

— Санъаткорнинг фарзанди ҳам санъаткор бўлади дейишади. Бунга қандай қарайсиз?

— Болалар ёшлигидан актёрнинг ҳаёти билан яшашади. Сабаби, улар ота-оналари билан гастролда, сафарда бўлишади. Лиқ тўла залда томошабин ёнида индамай ўтиришга мажбур бўладилар. Биз уларни ёшлигида конфет бериб овутардик. Булар албатта, санъаткор фарзандига таъсир этмай қолмайди. Балки шу сабабдандир кўп ҳолларда улар ота-оналари касбини танлашади.

— Умр йўлдошингиз билан келишолмай қолган вақтларингиз ҳам бўладими?

— Деярли бўлмайди. Фақат уйда, репетиция қилаётганимизда "Нега матнни ёдламагансиз?" дея бир-биримиз билан келишолмай қоламиз.

— Гавҳар Зокирова нега доимо миллийликка интилади?

— Сабаби, миллийлик — бу гўзаллик. Фабрикада эмас, қўлда тикилган кийимлар, усталар томонидан алоҳида меҳр билан ясалган сопол идишлар ягона ва Жамшид ака дарҳол Бухорога гастролга кетишлари кераклигини айтдилар. Гавҳар опа эса табассум билан саволларимга жавоб беришга уларни кўндирдилар.

— Жамшид ака, рекламани санъат даражасига кўтармоқчимисиз?

— Албатта, реклама ҳам кичик бир спектакль. Унда ҳам актёр театр ва кинодагидек роль ўйнаши керак. Ана шунда у санъат даражасига кўтарила олади.

— Машҳур санъаткорлар сулоласининг вакили Жамшид Зокиров доимо содда, бу кўникмами ё тарбия?

— Ота-онамиз "Доимо инсон бўлиб қол, одамларни ҳурмат қил, яхши кўр", дердилар. Бир қарагандa оддий, содда бу гапнинг тагида чуқур маъно бор. Лекин уларнинг содда фикри уларнинг қандай бўлганликларини англатиб турибди. Мен буни энг яхши фазилат деб ҳисоблайман. Ва ўзим ҳам умр бўйи шундай бўлишга интилиб яшаяпман.

— Гавҳар Зокирова Зокировлар хонадонининг эркатой келинига айланган дейишади. Шу ростми?

— Агар шундай "таъриф" беришса, бу мен учун катта бахт.

Аёлим ўзининг меҳри билан оиламизга кириб келди. Ва ота-онамнинг дуоларини олиб, ўзининг ҳаёси, ибоси билан оиламизга сингиб кетди.

— Бугунги кунда театрда қайси янги асарларга тайёргарлик кетяпти?

— Биз учун ёзилган янги асар С.Имомовнинг "Муҳаббат андозаси" спектаклини қўйяпмиз. Бу асар санъаткорлар ҳақида. Асарда "Эргинамнинг орзуси", "Тақдир эшиги" каби спектакллардагидек биргаликда роль ўйнаймиз.

— Турмуш ўртоғингиз билан ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам доимо биргалигингиз халақит бермайдими?

— Йўқ, сабаби биз доимо бир-биримизни авайлаб-асраймиз. Меҳр бериб, умр кечирамиз. Шунинг учун ҳам бир-биримиздан зерикмаймиз, шекилли.

— Ш.Қаюмовнинг "Ҳикматли дунё" номли қўшиғига тушган клипингизни кўрдим. Таъсирли чиқибди...

— Ҳа, Шуҳратжон таклиф қилганди, рози бўлдик. Сабаби бу ҳаётий клип. Қолаверса, қисқа дақиқаларда инсон ўз ҳаёти ҳақида ўйлаб қолади. Ахир, бежиз кексалар "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", дейишмаган.

Ундан кимдир ўзига хулоса чиқара олган бўлса, демак биз ўз вазифамизни бажарган бўламиз.

Жамшид ва Гавҳар Зокировлар. Уларни ҳамиша ёнма-ён, бирга кўрганимда боғбон меҳридан яшнаб турган қип-қизил гул кўз олдимда намоён бўлади. Гавҳар опани гулга, Жамшид акани оиласи, умр йўлдошини авайлаб-асраб келаётган боғбонга қиёс қилишим шундан: Гавҳар опа шу сабаб доимо гўзал ва жозибали, кўркам ва хушфеъл, қувноқ ва хушчақчақ.

Кўнгил сирларини неча йиллаб дилига тугиб юрган киши уни яқинларига ошкор этсагина кўнгли таскин топади, армонлардан холи бўлади. Жамшид ва Гавҳар Зокировлар билан суҳбатлашиб шуни англадикки, улар бир-бири учун, санъаткор бўлиш учун яралгандек гўё. Театрга, муқаддас саҳнага, касбларига нисбатан меҳр, устозларга бўлган эҳтиром уларни шундай эъзозга етказган бўлса не ажаб.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи суҳбатлашди.
Азамат АҲМАД олган сурат.

Фармон ва ижро

"Ўзулгуржисавдоинвест" компанияси таркибидаги Самарқанд шаҳридаги "Ноҳид" улгуржи ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш базаси фаолияти янги имкониятлар билан бойимоқда. Ижобий жиҳати шундаки, "Ноҳид" олиб келаётган ва савдо корхоналарига тарқатилаётган маҳсулотлар қўлдан-қўлга ўтмаётир. Хизмат устамаси ҳам паст.

2006 йилнинг 23 февралида Президентимизнинг "Улгуржи савдони маҳаллийлаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди. Ўша йилнинг март ойида эса Вазирлар Маҳкамаси "Истеъмол товарлари улгуржи савдоси тизимини такомиллаштириш тўғрисида" қарор қабул қилди.

АРЗОН, СИФАТЛИ ВА ЎЗИМИЗНИКИ

Ҳар икки муҳим ҳужжатдан кўзда тутилган мақсад ўтиш даврининг савдо тизимига етказган салбий асоратларини бартараф этиш, аҳолига савдо хизмати кўрсатишда узилишларга йўл қўймаслик, мамлакатнинг энг чекка, тоғли ҳудудларида ҳам ҳар бир фуқаронинг ҳеч нарсага зориқиб қолмаслигига эришишдан иборатдир.

Биз амалга оширилаётган ишлар билан қизиқиб, савдо-ишлаб чиқариш базасида бўлдик. Масъулияти чекланган жамият директори Азамат Асадов билан суҳбатлашиб, жамоанинг бугунги имкониятлари билан қизиқдик.

Базада ташкил этилган савдо кўргазмасини кўздан кечирар эканмиз, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган чинни буюмлар, спорт анжомлари, Фарғона водийсидан келтирилган кийим-кечаклар, костюм-шим, куртка, пальтоларнинг хорижникидан-да сифатли, бежирим эканига амин бўлдик. Кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари, маиший техникалар "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрлиқ билан безатилганини кўриб қувонасан киши. Буни қарангки, кўримлигина бир куртканинг баҳоси 25 минг сўм экан. Худди шу маҳсулот бозорда 75 минг сўм баҳоланяпти. Бу ердаги 32 минг сўмлик костюм-шимлар бозорда 80-100 минг сўм. Нарх-наводаги бундай кескин фарқлар "Ноҳид" сингари таъминот базалари фаолиятини янада ривожлантириш давр талаби эканини англатади, албатта.

Озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Энг сифатли туз, гуруч, консерва маҳсулотлари, колбаса, картошка, сабзи сингари турли-туман маҳсулотлар ҳам бор бу ерда. Баҳоси қониқарли, сифати кафолатли.

— Фармон ижроси бўйича қатор вазифаларни белгилаб олдик, — дейди А.Асадов. — Тоғли ҳудудларда ҳам савдо дўконлари таъминоти йўлга қўйилган. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Аҳолининг ҳудудлардаги эҳтиёжларини ўрганиб чиқиш вазифаларни ойдинлаштирмоқда. Халқимизда "Ўнг қўлинг қилган саховатни чап қўлинг билмасин", деган гап бор. Шу боис, ҳомийлик ишларимиз хусусида гапирмай қўя қолайлик. Халққа хизмат қилиш шарафли ишимиз бўлиб қолсин ҳамиша.

Бир ойда 300-350 миллион сўмлик маҳсулотлар сотилаётганини ҳисобга олсак, база фаолиятини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳозирда база қошида иккита савдо дўкони ҳам ишлаб турибди. Савдо кўргазмасидан қайтар эканмиз, ишни яхши йўлга қўйган, инсоф сари барака, деган гапга амал қилиб ишлаётган жамоанинг ютуқларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатгимиз келди.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

Партиядошларимиз

ХАЛҚ ОРАСИДА БЎЛИШ ШАРАФ

Инсонни тушуниш кўнгил уйини обод қилиш билан тенгдир, дейишади машойихлар. Маҳалла аҳли билан тил топишиш осон эмас. Кимнингдир дардига малҳам, қайғусига шерик, мушкулини ҳал этишга мададкор бўлиш яхшиликларнинг яхшисидир. Ҳамма вақт ҳам эзгу ишлар қилишга интилиш инсоннинг кўнглини ёритади, одамлар орасида ҳурматини оширади.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Бободеҳқон» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлганимизда маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъмура Мўминова бизни очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Маҳалладагиларнинг иссиқ-совуғидан хабардор, яхши-ёмон кунларида ҳамроҳ бўладиган опани катта-кичик «маслаҳатчимиз» дея эъзозлар экан. Бир кўришдаёқ бу аёл билан суҳбатлашиб жуда самимий экан, деб баҳо беришингиз аниқ.

Келинг, яхшиси 64 йиллик умр йўли турли хил ҳаёт синовлари билан ўтган бу аёлнинг кўнглига қулоқ тутиб кўрайлик.

— Иккинчи жаҳон уруши йилларида туғилганим учунми, ҳаёт синовларини анча эрта бошдан ўтказдим, — дейди суҳбатдошим хаёлга чўмиб. — Отам фронтда, онам эса фронт ортида хизматда. Оиламизнинг устуни бўлган отамиз етти йил деганда уйимизга қайтганлар, шунда ҳам уруш жароҳатлари битмаган ҳолда. Раҳматли онам бошидан ўтказган қийинчиликларни эсласам, кўзимга ёш келади. Биз — фарзандларини бировдан кам бўлмасин деб тиним билмай ишлардилар. Шундай оилада улғайдим. Оққорани таниб улгурмай «Юлдуз» фабрикасига ишга кирдим. Айни ёшлик чоғларим, меҳнатга лаёқатли йилларимдаги тақдирим шу даргоҳ билан боғлиқ. Ўз ишимни яхши кўрганим учунми, мусобақаларда доимо пешқадам бўлардим. Зарбдор меҳнат ғолибаси сифатида бир неча бор тақдирланганман. Йиллар оқар сувдек шошқин экан, турмуш қурдим. Олти нафар фарзандимиз — икки ўғил, тўрт қизимиз бор. Йигирмата набиранинг севимли бувижонисиман ҳозир. Нафақага чиққач, 40 йиллик меҳнатнинг мевасини тотиб, қарилик гаштини сурай десам, ишлаб ўрганган одамга уйда ўтириш ярашмас экан.

Эл орасида юриб, кимнингдир ҳаётига яхши маънода «аралашиб», керак бўлганда бошқалардан маслаҳатини аямайдиган бу аёлнинг ҳар бир гапида меҳр балқиб турарди. Маҳалла идорасига кириб келган киши салом-аликдан кейин қизимизни ўзимизнинг маҳалладаги тўғаракка берсам, дегандим, деб қолдилар.

— Жуда яхши-да, қизингиз нечанчи синфда ўқийди?

Маъмура опанинг ёнига иш билан келиб-кетувчилар жуда кўп экан. Чала қолган суҳбатимизни яна ўзлари давом эттирдилар:

— Аслида охири кўринмайдиган уй юмушлари топилади, рўзғорнинг ташвиши қачон тугабди, дейсиз. Абдуфаттоҳ бобонгиз ҳам ғайратли инсон-да, икки гектарли узумзорни парваришлаб, ҳар йили мўл-кўл ҳосил оладилар. Ҳеч иккиланмай оиламизни бахтли оилалар сафига қўша оламан. Бу бахт ҳалолликка, покиза турмушга, меҳнатнинг машаққатларини роҳат деб тасаввур эта олишга боғлиқ. Истиқлол йилларида миллий қадриятларимизнинг тикланиши ҳамма қатори мени ҳам қувонтирди. Яратганга шукр, муқаддас ҳаж сафарига турмуш ўртоғим билан бориб келишдай бахтга муяссар бўлдим. Маҳаллада «ҳожи она» деб ҳурмат қилишади. Ҳадиси шарифларда «Бешикдан қабрга қадар илм изла», дейилади. Турли хил дин ниқобини кийган оқимлар таъсирига тушиб қолаётган ёшларни кўрганимда ана шу гап эсимга тушади. Табиийки, уларга «ақл ўргатувчилар» ўз манфаатларини кўзлаб иш тутишади доим. Бу манфаатлар ортида юртимизнинг тинчлигига рахна соладиган салбий ҳаракатлар ётибди. Маҳалламиздаги учта оилани шундай хавф-хатардан асраб қолдик.

Жорий йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб номланишида ҳам бир ҳикмат бор. Аслида ногиронлар, кам таъминланган оилалар доимий эътиборимизда. Покиза, обод гўшада яшаган инсоннинг яшашга бўлган интилиши ошади, қалби эзгуликларга ҳамроҳ бўлади. Ҳар бир байрам, бирор тадбир олдидан маҳалламизда шанбаликлар ўтказилади. Кекса-ю ёш бу хайрли ишга ўз улушини қўшади. Шундай пайтда маҳалла аҳли янада аҳиллашганини кўраман. Оқсоқолимиз Турғунбой ака Қодировнинг саъй-ҳаракатлари билан турли хил тадбирлар ўтказаяпмиз. Яқинда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Юнусобод туман кенгаши билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил қилдик. Шу куни партияга ўнга яқин киши аъзо бўлди. Ўзим ҳам 2000 йилда зиёлилар партияси сафига кирганман. Халқ ичида бўлиш кексайганда ёшлик шижоатини берар экан одамга. Туманимиздаги маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўртасида ўтказилган тановда иккинчи ўринни олдим. Ёш бўлганимдами, биринчиликни бировга бермасдим, деб қўяман шундай пайтда.

Маҳалладаги ҳар бир оиланинг аҳволини яхши биладиган одамнинг жонкуярлиги фақат шу жойдаги аҳолининг осойишталиги учунгина эмас, балки барча юртдошларимизнинг хотиржам яшашлари учун хизмат қилади. Ана шуни англаган маҳалла фаоли қуёшга ўхшаб кўринади менга. Унинг кўнглидаги ёруғликдан, эзгу амалларидан ҳамма баҳра олаётганидан суюнардим.

Маҳаллада «Ёшлар маркази» ҳам очилган. «Бу жой ўқувчиларнинг таътил пайтларида, айниқса, гавжум бўлади, — дейди опа. — Ёшларнинг вақти бекор ўтмагани яхши-да, улар ҳунар ўрганиб қўйишса кам бўлмайди. Бу ерда қизлар, келинчаклар зардўзлик, каштачилик, пазандалик сирларини ўрганишади. Дурадгор устага шогирд тушган йигитлар ҳам ҳунар ўрганиб, ҳам ишига қараб маош олишади».

Маҳалла гузарига қарайман. Ён-атроф обод, кўркам, файзли. Эзгулик йўлида пок ният билан ҳаракат қилганлар муродларига тезроқ етади, дейди аҳли донишлар. Маъмура опа билан хайрлашар эканман ана шу ҳикматнинг асл маъносини англагандек бўлдим. Дилимдан шундай яхши одамлар кўпаяверсин, деган ният ўтди.

Насиба ОЧИЛОВА,

Хориж тажрибаси

Сиёсий партиялар ва интернет

Бугунги кунда сиёсий партиялар Интернет тармоғи имкониятларидан нечоғли самарали фойдаланмоқда? Бу борадаги муаммолар нималардан иборат ва уларга ечим топиш мумкинми?

Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида айнан шу саволлар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.

"Сиёсий партиялар ва Интернет" мавзуида бўлиб ўтган бу тадбирда мамлакатимиздаги мавжуд бешта сиёсий партия матбуот хизмати ходимлари, хорижий ва маҳаллий мутахассислар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Тадбирда сиёсий партиялар ўз сиёсий қарашларини тарғиб-ташвиқ қилиш ва бу орқали янги аъзоларни жалб қилишда ахборот тарқатишнинг энг тезкор усули дея тан олинган Интернет тармоғи имкониятларидан суст даражада фойдаланаётганликлари, партия WEB-сайтларини ахборотлар билан янгилаб бориш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги танқид қилинди.

Хўш, нега партия матбуот хизматлари фаолиятида интернетдан самарали фойдаланилмаяпти? "Фидокорлар" партияси матбуот хизмати вакилининг фикрича, бу борадаги асосий муаммолар WEB-сайтлар билан ишловчи малакали мутахассислар тақчиллиги ва бу йўналишга ажратилаётган моддий маблағнинг камлиги билан боғлиқ. Ушбу муаммолар, хусусан, ЎзМТДП фаолиятида ҳам кузатилади.

Икки кун давом этган давра суҳбатида германиялик мутахассислар — Герхард Лоош ва Кристиане Тойка-Зайд хоним Германия сиёсий партияларининг Интернет тармоғи билан ишлаш тажрибаси ҳақида мисоллар асосида батафсил маълумот бериб, эришилган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиб беришди. Германия сиёсий партияларида Интернет билан ишлашда катта тажриба тўпланганига амин бўласиз. Қуйида уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз. Хусусан кўпгина ривожланган давлатлардаги каби Германияда ҳам сайлов жараёнларида партия WEB-сайтидан ташқари, алоҳида сайлов сайтлари ташкил қилинади.

Партия сайтларида халққа яқинроқ бўлиш учун "Форум" бўлмачалари ташкил қилиниб, у орқали хоҳлаган фуқаро партия фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини бемалол билдириши мумкин; сайт орқали махсус сўровлар ўтказиш йўли билан фуқаролар ҳаётидаги долзарб муаммолар аниқланиб, партиянинг келгуси фаолиятида уларга алоҳида эътибор қаратилади. Ҳатто, сайт орқали партияга аъзо бўлиш механизми ҳам ишлаб чиқилган.

Давра суҳбати иштирокчиларининг қизиқишига сабаб бўлган Германия тажрибасининг яна бир жиҳати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш керак деб ўйлаймиз. Сайловчилар ва айниқса, ёшларни сиёсатга қизиқтириш, сиёсий қарашларини шакллантиришга ёрдам бериш учун махсус WEB-сайт ишлаб чиқилган бўлиб, у қатор йиллардан бери ўттиздан ортиқ сайлов жараёнларида муваффақиятли ишлатиб келинмоқда. Ҳар бир фуқарога 30 та савол бериш орқали унинг қарашлари қайси партия фаолиятига кўпроқ тўғри келишини аниқлаш мумкин. Моҳиятан содда кўринган бу лойиҳанинг аҳамияти, хорижлик ҳамкасбларимизнинг айтишича, жуда юқори экан.

Назаримда, бу каби самарали усулларни мамлакатимизда ҳам жорий қилинса яхши бўларди. Давра суҳбатида сиёсий партияларнинг Интернетдан самарали фойдаланмасликларининг яна бир сабаби "Партиялар электоратнинг Интернетдан фойдаланишига ишонишмайди" деган важда ҳам асос бордек. "Инфоком" ахборотлаштириш маркази вакили Ж.Раҳимовнинг маълум қилишича, 2010 йилга қадар республикамиздаги барча давлат органлари, ўқув ва илмий тадқиқот муассасаларини 100 фоиз Интернетлаштириш режаси ишлаб чиқилган. Бу ва жамиятимизда компьютерлаштириш жараёнининг жадал суръатларда ўсаётгани юқоридаги масаланинг яқин вақтда ҳал бўлишидан далолат беради.

Тадбирда, шунингдек, маҳаллий мутахассислар томонидан ҳам бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, ФЖЎИ эксперти Олим Никадамбаев ҳозир барча сиёсий партиялар фаолиятини тенг ёритиб борувчи, фуқаролар учун таништирув характеридаги ягона портал яратиш мумкинлиги ҳақида фикр билдирди. WEB-сайтларнинг самарали фаолиятини таъминлаш учун кучли моддий-техник базага эга бўлган сайт хизмати (таҳририяти)ни яратиш тўғрисидаги таклиф ҳам қизиқиш ва мунозарага сабаб бўлди.

Йиғилишда келгусида Германия ва Ўзбекистон сиёсий партиялари ўртасида интерактив мулоқот ўрнатиш ва бу орқали бевосита тажриба алмашиш ҳақида ҳам таклиф билдирилди.

Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ,
ЎзМТДП МК матбуот котиби.

Истиқлол берган имконият

Бошқа фойдали қазилмалар орасида нефть олтиндек бўлиб қолгани бугун ҳеч биримизга сир эмас. Ер юзидаги нефть заҳираси энг кўп бўлган давлатлар ҳозирда иқтисодий жиҳатдан қудратли ҳисобланаётганини ҳисобга олсак, бу ўринда давлатимизнинг имкониятлари ҳам самарали экани аён бўлади.

ЭНГ ЗАРУР ҚАЗИЛМА

Республикамиздаги нефть конларининг биринчиси 1904 йилда очилганди. Ўша йили Фарғона водийсидаги Чимён нефть конида 278 метр чуқурликдан суткасига 130 тонна нефть олинган. Ўша йилнинг ўзида Олтиариқдаги Ванновск темир йўл станциясида нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Бундан ташқари, Фарғона ботиғида Селдорҳо Еркуштон конлари очилди. Неят-Ванновск нефть қувури қурилди. Орадан озроқ вақт ўтгач нефтни қайта ишлаш заводи кенгайтирилди. Ана шу даврда рус ва чет эл капитали нефт қазиб олиш, уни қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини сотишни тўла ўз назоратига олди.

Ўзбекистонда 1913 йилда жами 13 минг тонна нефть қазиб олинди. Иккинчи жаҳон уруши йилларига келиб бир нечта янги конлар очилди. Жанубий Оламушук, Полвонтош, Фарғона водийси ва Андижондаги бир нечта конлар ана шулар жумласидандир. Яна эътиборни рақамларга қаратсак, 1959 йилда Сурхондарё ва Фарғона водийсида 9 та нефть конининг ўзидан 1460 минг тоннадан зиёд нефть олинди. Бироқ орадан кўп ўтмай фойдали қазилмалар заҳираси ҳам ҳисобли эканини табиатнинг ўзи эслатиб қўйди. Нефть қазиб олинишига бўлган жиддий "эътибор" айрим конлардаги заҳираларнинг тугашига олиб келди. Ўтган асрнинг 70-йиллари бошиданоқ шу сабаб мамлакатимизда нефть қазиб олиш кескин камайди. Янги конларни топиш эса катта меҳнат талаб қиларди. Ер ости бойликларини чуқур қудуқлар қазиш йўли билан тезроқ излаб топиш кончиларнинг асосий вазифасига айланди. Мингбулоқда 6006 метр, Чуст-Попда 5805 метр, Гумхонада 5670, Ворухда эса 5200 метрли ўта чуқур нефть қудуқлари ўзлаштирилди.

1985 йилга келиб Бухоро-Хива йирик нефть-газ конденсатли Кўкдумалоқ кони очилди. 1993 йили Мингбулоқ тузилмасидан нефть олиб чиқди. Ўз навбатида нефть конларининг топилгани ва улардан фойдаланилаётганлиги республикамизда нефтни қайта ишлаш саноатини вужудга келтирди. Бу соҳада Бухоро, Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари самарали иш олиб боришга эришди. Фарғона заводи ёнилғи ва сурков мойлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса, Олтиариқ заводи ёнилғи ишлаб чиқаради. Кўкдумалоқ нефть-газ кони очилганидан кейин Франциянинг "ТЕКНЕП" фирмаси билан ҳамкорликда Бухоро вилоятининг Қоравулбозор туманида нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши бошланди. 2,5 миллион тонна газ конденсатини қайта ишлаш қувватига эга бўлган корхона барпо этилди ва ишга туширилди. Бу корхона бир йилда ўртача 11 миллион тонна нефтни қайта ишлаш имкониятига эга.

Мустақиллик йилларига келиб республикамизда мавжуд нефть конлари доирасида режали ишлашнинг йўлга қўйилиши иқтисодий жиҳатдан самара бера бошлади. Келинг, энди юқорида айтиб ўтганимиздек, собиқ иттифоқ даврида мамлакатимизда нефть қазиб олиш, уни қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини сотишга ўзбошимчалик билан ёндашилганлигига эътибор қаратайлик. Шу ўринда томчи сувнинг ҳам қадри бор, деган гап ёдимизга тушади. Бугун юртимизда нефть маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёж билан бирга унинг нархи ҳам ошиб бораётганлигига қайсидир маънода ўша жараёнларнинг ҳам таъсири бор, албатта. Бизни қувонтирадиган нарса эса ҳозирда Ер ости бойликларимиз давлатимиз манфаатларига хизмат қилаётганидир. Бу ҳам истиқлол берган имкониятлардан бири.

Махфират АЛИЕВА,
Тошкент молия институти ўқитувчиси.
Фарҳод БОБОНОРОВ,
талаба.

Бухоролик Бобур Жумаев зардўзликка ёшлигидан қизиқиб, отаси Бахшулло акадан бу ҳунарнинг жуда кўп сирларини ўрганган. Бобур зардўзликдан вақти ортса, миниатюралар чизиш билан бирга Бухоро шаҳридаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежида зардўзлик бўйича дарс беради. У ўзининг изланиши, меҳнат ва истеъдоди билан 2006 йил «Келажак овози» кўрик-танловининг республика босқичида бадиий ва амалий санъат бўйича қатнашиб, совриндор бўлди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Жиноят ва жазо

БОЛАНИ БОШИДАН УШЛАНГ

Умр йўллари жуда нотекис. Ҳаётда ҳар хил сабаблар билан ножўя йўлларга кириб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Янглишувларнинг энг ёмони жиноят кўчасига кириб қолишдир. Суднинг қора курсисига ўтириш, судланган деган номни «кўтариб» юриш инсон учун нақадар оғир юк эканлигини шу ҳолга тушганлар яхши ҳис қилади. Фарзандларимизни бундай хатонинг қурбони бўлишдан сақлаш эса бизнинг бурчимиздир.

Гиёҳвандлик аср вабосига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида аҳолининг бир қисми ана шу иллатнинг қурбони бўлиб улгурган, ҳар бир давлат турлича усулда гиёҳвандликка қарши кураш олиб бораётир. Айниқса, ёш авлодни бу йўлдан қайтариш муҳим муаммога, бажарилиши шарт бўлган долзарб вазифага айланган. Гиёҳвандликка чалинаётганлар орасида ўсмирларнинг учраётгани ташвишланарлидир. Бир ўйлаб кўринг, фарзандингиз ёки бирор яқин кишингиз шу дардга мубтало бўлди дейлик, унга ўз вақтида эътибор берилмаса, «касаллик» баттар авж олади. Кейин уни бу йўлдан қайтаролмай қоласиз. Ўз умр дарахтига болта ураётган инсоннинг тақдирига бефарқ қараб туриш мумкинми?

Гиёҳвандликнинг қулига айланиб қолаётганларни кўрганимизда юракларимизда аламли оғриқ пайдо бўлади. Айрим юртдошларимизни суд залига олиб бораётган бу иллатнинг илдизини тарбиянинг сустлигидан излаш керак, назаримда. Шу ўринда суд залида кўрилган бир жиноий иш ҳақида ёзишни ўринли деб билдик. Жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Гиёҳвандлик моддасинингози ҳам кўп. Боёвут туманида туғилган Исмат Турдиев гиёҳвандлик моддасидан ўзи истеъмол қилаётгани етмагандек, бошқаларга ҳам бу заҳри қотилни пуллашга уринди. У Боёвут шаҳарчаси Тинчлик кўчасида жойлашган «Жабборали ўғли Муҳаммад» номли хусусий чойхонада Отабек ва Шуҳрат исмли шахсларга оғирлиги 0,53 грамм гиёҳвандлик моддасини 4 минг сўмга сотаётганида ушланган. Жиноят ишлари бўйича Боёвут туман судининг ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 273-моддаси 2-қисми билан судланиб, озодликдан маҳрум қилинди. Яна бир суд жараёнида ҳам шунга ўхшаш жиноий иш кўрилди. Жамиятнинг аосий тарбия маскани бўлган оила даврасида фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор берилиши бу иллатнинг илдизини қирқади. Ҳар бир оила аъзоси, аввало, ота-оналар ўсмир йигитларнинг юриш-туришини синчковлик билан кузатиб бориши керак.

Бола тарбияси мураккааб жараён. Ҳар бир боланинг табиати, дунёқараши турлича. Айниқса, балоғат ёшига етиш даврида улар учун алоҳида вақт ажратишингиз зарур. Бундай пайтда кўпинча фарзандингиз қайсар ёки аксинча, ўз фикрини маъқуллайдиган, ўзини катталардек тутишга интиладиган бўлиб қолиши табиий ҳол, албатта. Кўпинча ўсмирлар ўзини ҳеч ким тушунмаётгандек тутади, норози кайфиятда юради. Тергашларингиз, огоҳлантиришларингизни қўпол муомаладек тушунади. Хўш, бундай пайтда нима қилиш керак? Эътибор беринг (!) унинг дўстлари кимлар, бўш вақтини қандай ўтказаяпти, нималарга қизиқаяпти? Унга сездирмаган ҳолда четдан кузатишга одатланинг. Ўрни келганда унга қулоқ солинг, яхши суҳбатдошига, дўстига айланинг. Ҳар бир оиланинг ўз жамғармаси бўлади. Агар фарзандингиз сиздан сўрамай пул олишга ўрганса, буни шўхликка йўйманг. Гиёҳвандга айланаётган ўсмирларнинг кўз қорачиғи торяяди, кўзлари эса худди шамоллаган одамникига ўхшаб қолади. Бундай пайтда ўсмирлар ташқаридан қараганда уйқусираган одамдек таассурот қолдиради, ҳаракатлари суст, беором бўлиб қолади. Наша чекиб олган ўсмирни бўлар-бўлмасга кулавершидан осонгина ажратиб олиш мумкин. Унинг кўз қорачиғи кенгайиб кетади. Танасида майда нуқталар кўринишидаги шприц излари, яралар, қўл-оёқларида, елкасида, қўлининг юқори қисмида йирингли яралар бўлиши мумкин. Бошловчи гиёҳвандлар «уста» гиёҳвандларга қараганда соддароқ бўлганликлари учун қўлларида «далил» қолдирадилар. Дарвоқе, ҳозир оёқ ва қўл бармоқлари орасига нина уриш одати ҳам пайдо бўлган. Героин организмдан тер орқали чиқиб кетади ва терини зарарлантиради, оқибатда танада қичима пайдо бўлиши ҳам мумкин. Боланинг ўн, ўн беш дақиқалаб ҳожатхонада қолиб кетиши ота-онани сергак торттириши керак. Бу ҳам гиёҳвандлик аломати бўлиши мумкин. Агар болангизнинг иштаҳаси йўқолса ёки ошхонадаги уксус кўп миқдорда ғойиб бўла бошласа (уни гиёҳвандлик моддасини тайёрлашда ишлатишади) яна ҳам ҳушёр бўлинг. Уни бемаҳалда кўчага чиқишига йўл қўйманг. Деярли барча ёш гиёҳвандлар «малакали» гиёҳвандларнинг уйидан ўз «улуш»ларини олгани боришади. Ўғлингизнинг кийимларини, бошқа буюмларини вақти-вақти билан текшириб туринг. Ўсмирлар сири фош бўлишидан қўрқиб одатда оёқларига укол қиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда гиёҳвандлик деган иллатнинг томир отиб бораётгани ҳар биримизни ҳушёр бўлишга ундайди. Бу ҳушёрлик юртнинг осойишталигини, оилавий фаровон турмуш тарзини таъминлайди.

Шерали ҲИКМАТОВ,
Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти Боёвут туман суди раиси.

Бир хониш таъсири

Яхши қўшиқ... жон озиғи

Ғамингда, эй пари,
рухсори жону
нотавоним бор,
Қилурга ранги
ҳижроним қиличда
қатра қоним бор,
Узорим боғида
булбул каби юз
достоним бор,
Юзингни кўрмагач,
эй гул узорим юз
фиғоним бор,
Жаҳон боғида
истарман, сени, то
танда жоним бор...

Эслаган бўлсангиз, бу қўшиқни хоразмлик бир неча санъат усталари маҳорат билан куйлашган. Айниқса, уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оғабек Собиров маромига етказиб ижро этиб келаяпти. Туркман шоири Залилий қаламига мансуб ушбу мисралардаги маъно-мазмун, инсоннинг ўзлигини англашга қаратилган моҳият қўлимизга қалам тутишга ундади.

Олам яралибдики, одамзот ўз ғамини ейди. Гоҳ тирикчилик ташвишлари, гоҳ мол-дунё ғами ва бундай нарсаларга эга бўлмаганларнинг изтироби. Булар энди, танага либос керак бўлгандай бир эҳтиёж. Аммо Тангрим сизу бизни не мақсадда яратди? Нима учун одамзотни бошқа мавжудотлардан кўра устун қўйди? Нега бизга онгу тафаккур, ақлу забон берди? Шунинг учунки, биз бу неъматлар орқали Маъво ва Самонинг Сарварини танишимиз, эзгу амаллар ва яхшиликни шиор қилиб олмоғимиз лозим. Ана шу улуғ йўлда юрганларнинг қутлуғ ғами, муборак изтироби, ширин андуҳи шулдир.

Ҳақ йўлида жавлон уриб

яшаган шундай улуғ зотлардан бири Жалолиддин Румийнинг мана бу мисраларига эътибор берайлик:

Тингла, най андоқ
ҳикоятлар қилур,
Айрилиқлардан
шикоятлар қилур.

Аҳамият берган бўлсангиз, мутафаккирнинг бу лафзи худди биз тилга олаётган хонишдаги мисраларга ҳамоҳанг. Румий найнинг, Залилий эса кўнгил ноласини айтаяпти. Аслида, ҳар иккисининг моҳияти битта.

Танаси бошқа дард билмас, деган нақл бор халқимизда. Яъниким, бировнинг тортаётган ташвиши бегонага аён бўлса-да, у бундан ўша дард эгасичалик изтироб чекмайди. Аммо бу оламда фақат ўзингни ўйлаб яшаш эмас, қутлуғ ажрга интилиб умргузаронлик этмоқликни англаш муҳимдир. Ана шу ҳақиқатдан узоқлашмаганлар бир-бирларининг дардларини изҳор этилмасиданоқ англайдилар, биладилар, тушунадилар, ҳис қиладилар.

Қўшиқда яна шундай мисралар бор:

...Муҳаббат шарҳини
жон ўртанур тайир
этолмайман,
Жунун мактубининг
мазмунини таъриф
этолмайман...

Азиз авлиёлар, анбиёлар ҳаётлари ва фаолиятларида сўз билан амалнинг уйғунлигини кўрамиз. Масалан, Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларида кишининг ботинан ва зоҳиран покликка эришиши ҳақ йўллардан бири эканлиги уқтирилади. Яссавий "Биру борим дийдорингни кўрарманму?" дея илтижо қилади ва бу илтижога яраша бўлиш лозимлигини ўзининг ҳаёти-ю ҳикматлари орқали исботлаб ўтган.

Кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро эса ҳаётнинг мазмунини ҳалол ва фойдали меҳнатда, шу йўл билан Яратганнинг неъматларига шукур қилишда деган ғояни илгари суради. Шу билан бирга у нафс балоси барча иллатларнинг илдизи эканлигини айтиб, унга қарши курашган, охир-оқибатда бу курашда ғолиб бўлган кишини ардоқлайди. Унинг мана бу сатрлари ана шу йўлдаги андуҳлар боис туғилган бўлса, не ажаб:

Бир дев бор ичимда,
асти пинҳон бўлмас,
Бошини эгмак
анинг осон эрмас.
Иймон не эканлигин
англатсам ҳам,
Кофир у ашаддий
зинҳор мусулмон
бўлмас!

Залилийнинг мисраларида Аллоҳга интилиш жараёнидаги дарднинг мана бу тарзда изҳор этилишини қаранг:

...Кўнгилнинг пойтахтини шоҳ дерман (!) айб қилманглар,
Вужудим шаҳрида лашкаркаши (!) соҳибқироним бор.

Бу ерда, шубҳасиз нафс қораланмоқда. Биз бу қўшиқ ҳақида тўхталаётиб, баъзи жойларда бошқа алломаларнинг сатрларини бежиз келтирмаяпмиз. Зеро, юқорида таъкидлаганимиздек, уларда уйғунлик мавжуд. Нажмиддин Кубродан келтирилган байтда нафснинг душман эканлиги очиқ-ойдин айтилаётган бўлса, Залилийда бу ҳолат бошқача талқин қилинаяпти. Шоир фикрича, нафснинг алдови ширин, алдагани аччиқ. Одам боласи айрим ҳолларда кўнгил майлига берилиб, гуноҳ ишларга қўл уради. Ножоиз, ношаръий йўллардан юради. Энг ёмони, бундан уялмай яна қинғирликлардан ўзини тиймайдиганлар ҳам бор. Залилий мана шу жараённи таърифлаб, кўнгилни, яъниким нафс макрини шоҳ амридек биладиганлар ҳам бор, уларни айбламанглар, деяпти.

Умуман олганда, Залилийнинг бу шеърида азалий ва абадий, аммо саодат истовчи кўнгилларнинг муҳаббати тараннум этилган.

Яна бир нарса аёнки, оқилу фозилларнинг даъвати орқали ҳам бошқалар эзгулик томон йўл бурадилар. Шу маънода биз улуғларнинг ижодий меросини қанчалик кўп ўргансак, шунчалик наф кўрамиз....

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Жаҳон ҳафта ичида

ЭНГ БАДЖАҲЛ ФУТБОЛЧИ КИМ?

"Манчестр Юнайтед" клубининг футболчиси Уэйн Руни кўринишидан энг баджаҳл ўйинчи, деб тан олинди.

Англиянинг "Onepoll" компанияси 4000 нафар аёл мухлислар ўртасида ўтказган сўровга мувофиқ ана шундай хулосага келинган. Руни бу борада 34 фоиз овоз олган бўлса, Англия терма жамоасининг ярим ҳимоячиси Питер Бирдслига 12 фоиз овоз берилган. Роналдиньо ҳам юз кўриниши унчалик силлиқ бўлмаган футболчилар сафига киритилган. Энг кўркам футболчилар рўйхатини эса Девид Бекхэм бошқармоқда.

ҚИЗИҚАРЛИ СЎРОВ



Францияда қизиқарли сўров натижалари эълон қилинди.

Ижтимоий тадқиқот одамлар энг қулай иш кунини қандай бўлиши керак, деб ҳисоблашлари билан боғлиқ эди. Сўралганларнинг уч фоизи иш куни 2-3 соатдан иборат бўлса яхши бўлишини айтган. 30 фоизи 6-7 соат ишлашга розилиги, 26 фоиз одамлар эса 8-9 соат ишлашидан қониқишини айтишган.

Қизиғи шундаки, 4 фоиз одамлар кунига 10 соат ва ундан ортиқроқ ишлаш керак, деб ҳисоблашар экан. Одамларнинг аксарияти бўш вақтларини саёҳатлар, спорт ва боғларни парвариш қилишга сарфлашни исташаркан.

ФУТБОЛЧИ РОБОТЛАР



Жоржия штатидаги технология институтида роботлар ўртасида футбол чемпионати ўтказилди.

Аралаш жамоалар ўртасидаги ўйин ҳам жуда қизиқарли бўлди. Унда ҳар икки томондан тенг миқдорда виртуал ва тирик футболчилар иштирок этишди.

Яна бир неча йилдан сўнг юксак технологиялар спортнинг бошқа турларига ҳам кириб бориши кутилмоқда. Робот тўпни дарвозага хатосиз жўнатиши мумкин. Айтишларича, баскетбол, волейбол ва қўл тўпи мусобақаларида ҳам "темир" одамлар майдонга тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тадбир

МИРЗО БОБУРГА ЭҲТИРОМ

Республика Маънавият тарғибот маркази ва Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамкорлигида "Бобур — шоҳ ва шоир" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 524 йиллигига бағишлаб ўтказилган кечани институт ректори Э.Сатторов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзога сўз берилди. У шоирнинг асрлар оша яшаб келаётган бебаҳо асарлари, уларнинг ёшларимиз маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида гапирди.

Филология фанлари доктори, профессор Анвар Ҳожиаҳмедовнинг маърузаси ҳам шу мавзуда бўлди. Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим мудири Акрам Акмалов эса "Мирзо Бобур асарларида Ватан соғинчи" мавзуида маруза қилди. Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаларининг бадиий чиқишлари тадбирга кўтаринки руҳ бағишлади.

Шаҳодат МИРЗААЛИЕВА.

Донолар бисотидан

МАҲМУД АЗ-ЗАМАХШАРИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Таомга ортиқ даражада ҳирс қўйишлик худбину пасткаш кишиларнинг ахлоқларидандир.

* * *

Олижаноб ва шариф киши шундай кишики, у ҳозир бўлмай ғойиб бўлганида, унинг суҳбатини хоҳлаб, мулоқотини орзу қиларлар, башарти у (суҳбатга) келиб қолса, унинг ҳайбатидан сергакланиб ҳушёр тортарлар.

* * *

Икки нарса бир дарахтнинг бутоғидир, яъни иккаласи ҳам бир хилдир: бирор нарса сўраганга (тилаганга) берса-ю, аммо кейин уни миннат қилса, иккинчиси, ўзининг инъом-эҳсонини аяб, хасислик қилса, чунончи, Аллоҳ таоло наздида миннат билан бир нарса бериш ва хасислик қилиб бермаслик қабоҳатга баробар ҳисобланади.

* * *

Олам узра шундай юргинки, то бутун оламнинг елкасига оёқ қўйгандек бўл. Шунда жами махлуқотдан (борликдан) устун бўлурсан.

* * *

Ўзи сазовор бўлмаган ҳамду сано-ю мақтовларни талаб қилиш уятсиз, телба одамларнинг одатларидандир.

* * *

От учун ҳар доим қамчи лозимдир, гарчанд у шамолдек елиб югурадиган тулпор бўлса ҳам.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига 2007 йилда тасдиқланган бюджет бўйича давлат бюджетидан ажратилган маблағ 279 миллион 436 минг сўмни ташкил қилди.
«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида партиянинг молиялаштирилиши натижасида шаҳар ва туман кенгашларида 157 нафар, вилоят кенгашларида 56 нафар, Марказий кенгашда 23 нафар ходим фаолият кўрсатмоқда.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланиш — миллат келажаги
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — факс: 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 123.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2358
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5
Босишга топширилди 21.25